ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2024/ № 11

Termiz – 2024

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020 yil 19 oktyabrda 1122 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Matnlarda foydalanilgan misol, ko'chirma va ma'lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko'chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 28.11.2024
Qog'oz bichimi: 70x85
Bosma tabog'i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog'ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri,
Barkamol avlod ko'chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko'chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz
Rasmiy sayt:
www.philologicalresearch.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV,
iqtisod fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY'ATI:

Bekpo'lat Umurqulov, *filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o'rinbosari)*
Shoxista Maxmaraimova, *filologiya fanlari doktori, professor (mas'ul muharrir)*
O'ral Xoliyorov, *f.f.f.d. (PhD), dotsent (O'zbekiston)*
Olmos Ulviy Binnatova, *f.f.d., professor (Ozarbayjon)*
Karl Rayxl, *f.f.d., professor (Germaniya)*
Vali Savash yelok, *f.f.d., professor (Turkiya)*
Dorota Silviya, *f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)*
Muslihiddin Muhiddinov, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Ibodulla Mirzayev, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Abdi Mamatov *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Suyun Karimov *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Muhammadxon Hakimov, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Nafas Shodmonov *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Dilmurod Quronov, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Murodqosim Abdiyev, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Baxtiyor Mengliyev, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Normat Yo'ldoshev, *f.f.d., dotsent (O'zbekiston)*
Abdulla Xudoyqulov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Bobonazar Murtazayev, *f.f.n., dotsent (O'zbekiston)*
Asqar Eshmo'minov, *f.f.d., dotsent (O'zbekiston)*
Obidjon Shofiyev, *f.f.f.d. (PhD), dotsent (O'zbekiston)*
Zafar Umurqulov, *f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O'zbekiston)*
Nurali Amonturdiyev, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Hakim Ahmedov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Ahad Shukurov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Eshnazar Jabborov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Abdumurod Arslonov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Sirojiddin Turdimurodov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Umida Raximova, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Gulchehra Begmatova, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Nargis Qurbonazarova, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Muyassar Xolova, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Shoira Omonturdiyeva, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Sherzod Turdiqulov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Zaynura Qodirova, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Humayun Nadim Muhammad, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Dilrabo Ergasheva, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*

Texnik muharrir: Bahodir To'raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 28.11.2024
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100
Цена договорная
Заказ: 155
Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
www.philologicalresearch.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ,
доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, *доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)*
Шохиста Махмараимова, *доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)*
Урал Холияров, *ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)*
Олмос Улвий Биннатова, *д.ф.н., профессор (Азербайджан)*
Карл Райхл, *д.ф.н., профессор (Германия)*
Вали Саваш Елок, *д.ф.н., профессор (Турция)*
Дорота Сильвия, *PhD, доцент (Польша)*
Муслихиддин Мухиддинов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Ибодулла Мирзаев, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Абди Маматов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Суюн Каримов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Мухаммадхон Хакимов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Нафас Шодмонов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Дилмурод Куронов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Мурадкасим Абдиев, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Бахтиёр Менглиев, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Нормат Юлдашев, *д.ф.н., доцент (Узбекистан)*
Абдулла Худайкулов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Бобоназар Муртазаев, *ф.ф.н., доцент (Узбекистан)*
Аскар Эшмуминов, *д.ф.н., доцент (Узбекистан)*
Обиджон Шофиев, *д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)*
Зафар Умуркулов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Нурали Амонтурдиев, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Хаким Ахмедов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Ахад Шукуров, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Эшназар Джаббаров, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Абдумурод Арслонов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Сирожиддин Турдимуродов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Умида Рахимова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Гульчехра Бегматова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Наргис Курбаназарова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Муяссар Холова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Шаира Амонтурдиева, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Шерзад Турдикулов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Зайнура Кадирова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Хумаюн Надим Мухаммад, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Дильрабо Эргашева, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President`s Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 28.11.2024
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94
Offset printing. Offset paper
Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155

Printed at the
«Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
www.philologicalresearch.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, *doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)*
Shohista Makhmaraimova, *doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)*
Ural Kholiyorov, *PhD, associate professor (Uzbekistan)*
Olmos Ulviy Binnatova, *doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)*
Karl Rayxl, *doct.of philol. sciences, professor (Germany)*
Vali Salvash Elok, *doct. of philol. sciences, professor (Turkey)*
Dorota Silvia, *PhD, associate professor (Poland)*
Muslihiddin Mukhiddinov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Ibodulla Mirzaev, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Abdi Mmatov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Suyun Karimov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Muhammadkhon Khakimov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Nafas Shodmonov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Dilmurod Kuronov, *doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Muradkasim Abdiyev, *doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Bakhtiyor Mengliev, *doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Normat Yuldashev, *doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)*
Abdulla Khudaykulov, *PhD (Uzbekistan)*
Bobonazar Murtazaev, *cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)*
Askar Eshmuminov, *doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)*
Obidjon Shofiev, *PhD, associate professor (Uzbekistan)*
Zafar Umurkulov, *PhD (Uzbekistan)*
Nurali Amonturdiev, *PhD (Uzbekistan)*
Hakim Akhmedov, *PhD (Uzbekistan)*
Ahad Shukurov, *PhD (Uzbekistan)*
Eshnazar Jabbarov, *PhD (Uzbekistan)*
Abdumurod Arslonov, *PhD (Uzbekistan)*
Sirojiddin Turdimurodov, *PhD (Uzbekistan)*
Umida Rakhimova, *PhD (Uzbekistan)*
Gulchekhra Begmatova, *PhD (Uzbekistan)*
Nargis Kurbanazarova, *PhD (Uzbekistan)*
Muyassar Kholova, *PhD (Uzbekistan)*
Shoira Omonturdiyeva, *PhD (Uzbekistan)*
Sherzod Turdikulov, *PhD (Uzbekistan)*
Zaynura Kadirova, *PhD (Uzbekistan)*
Humayun Nadim Muhammad, *PhD (Uzbekistan)*
Dilrabo Ergashova, *PhD (Uzbekistan)*

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

AMANOV ABDIJABBOR SATTAROVICH
Murakkab sintaktik tuzilmalar haqida 7

УСМОНОВА ШАҲОДАТ
Газета дискурсида таржима масаласи: Трансформацион таҳлил 11

XOLNAZAROV UMID ERKINOVICH
Tog‘ay Murod uslubiy bayonida antropomorf metaforalarning voqelanishi 16

BABAXANOVA DILAROM AXMATXANOVNA
Tilning mohiyati va vazifalarini yuzaga keltirishda uslubiyatning o‘rni 19

ИБАТОВА АМИРА ШАВКАТОВНА
Лексика – тилдаги барча сўзларнинг йиғиндиси 23

NABIYEVA RUSHANA JAMOL QIZI
O‘zbek tilidagi yangi oziq-ovqat o‘zlashmalarining leksikografik tavsifi masalalari:
Muammo va vazifalar 26

NABIYEVA PARVINA AKBARJANOVNA
Jahon tilshunosligida tezaurus tushunchasi va uning tadqiqi 30

MUXAMMADIYEV NODIR RUSTAMZODA
Qashqadaryo viloyati o‘zbek shevalariga fors-tojik
va arab tillaridan o‘zlashgan so‘zlar tahlili 35

ASATULLAYEVA DILNAVOZ JONDULLAYEVNA
Morfonologik hodisalar va ularning Buxoro viloyati o‘g‘uz shevalarida uchrashi 39

ABDULLAJONOVA MADINA TO‘LANBOY QIZI
Yozma nutq shakllanishi va rivojlanishining psixolingvistik tahlili 42

NAZARMATOVA KUMUSH FARHODOVNA
O‘zbek tilida komplimentlarning lingvopragmatik tahlili
(O‘. Hoshimovning «Ikki eshik orasi» asari misolida) 46

MUHSINJONOVA SHIRINOY ASLIDDIN QIZI
«Devonu lug‘otit-turk» asarida qo‘llangan taom nomlarining qiyosiy tadqiqi 50

MUKUMOV MAKHMUD KHUDAYBERDIEVICH
Lexical composition of scientific prose 53

НАТАЛЬЯ БАЗАРОВНА РАДЖАПОВА
Гендерная лексика в туркменском языке 56

МУНДАРИЖА

ТОЙЧИЕВА НАСИБАХОН СУРАНБАЕВНА
Сходства и различия в процессе формирования терминологии
бытовой лексики в узбекском и русском языках 58

BOBOMUROTOV FARRUKH,
DAVLYATOVA ELVIRA MURATOVNA
The problems of reconstruction aphoristic prose of e. M. Remarque in uzbek translations..... 64

НАЗАРОВА МАНЗУРА НАСРУЛЛАЕВНА,
БАХТИЁРОВ ШОХЖАХОН
Роль речи в развитии мышления..... 68

QAHRAMONOV ISLOM BOTIR O‘G‘LI
DAVLYATOVA ELVIRA MURADOVNA
The problems of thematic classification of
military terms in english and uzbek languages..... 71

ADABIYOTSHUNOSLIK

АБДУЛЛАЕВ МУҲАММАД ҲАМЗАЕВИЧ
Убайдий ва шайх Саъдий..... 75

МУСТАФОҚУЛОВ РЎЗИҚУЛ БОЙНАЗАРОВИЧ
Мангу барҳаёт сиймо..... 78

ТОИРОВА ДИЛФУЗА ФАЙЗУЛЛАЕВНА
Эстетика запада и востока в творчестве Гюстава Флобера..... 83

TAJIBAYEVA DILFUZA ERKINOVNA
Poetik timsol yaratishda oq rang tasviri 86

МУСИНОВА ЗЕБО ТУРАБОВНА
Разоблачение роковых последствий в историческом
Романе эжена сю «жан кавалье» 88

MANSUROVA UMIDAXON IBROHIMOVNA
Badiiy asarda biografik tasvirning o‘rni 92

BOYMURATOVA NARGIZA BOZORBOYEVNA
Tasavvufiy timsollar va she’riyat 96

NAZAROVA NAMUNA ABDUMAJITOVNA
Sirojiddin Sayyid ijodidan bir g‘azal tahlili..... 98

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 11
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

ЛЕКСИКА – ТИЛДАГИ БАРЧА СЎЗЛАРНИНГ ЙИҒИНДИСИ

Ибатова Амира Шавкатовна,
Тошкент ахборот технологиялари университети
Самарқанд филиали тиллар кафедраси доценти,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мустақиллик берган имкониятлардан бири бой маънавий меросимизни қайта тиклаш мақсадида у билан боғлик кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш имконияти бўлди. Бошқа ижтимоий фанлар қатори тилшунослик фанининг тадқиқот объекти сифатида маънавият, миллий удум ва миллий ғоя материаллари танланмоқда. Дунёдаги ишларнинг олимларимиз томонидан яратилганлиги ва бугунги кунда ҳам ушбу анъана давом эттирилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жаҳон тилшунослигида, жумладан, туркий тилшуносликда тилнинг лексик луғавий бирликлари юзасидан тавсифий, қиёсий-тарихий ва тарихий-этимологик таҳлил бўйича дунёдаги кўплаб илмий марказларида тадқиқотлар яратилди.

Рус тилшуносларидан В.В.Виноградов, Г.О.Винокур, Н.А.Баскаков, А.А.Реформатский, В.П.Даниленко, В.Г.Гакнинг асарларида лексиканинг назарий муаммолари, унинг таърифи ва бошқа муҳим масалалар ўз ифодасини топган.[1] А.М.Шчербак, В.И.Литвинов[2] ва бошқа олимлар томонидан лексиканинг назарий, қиёсий, тарихий-этимологик таҳлилларига эътибор қаратилди.

Ўзбек тилшунослигида У.Турсунов, С.Иброҳимов, А.Ҳожиев, Э.Бегматов, С.Усмонов, Х.Дониёров, Ф.Акобиров, Р.Дониёров, Ҳ.Дадабоев, Н.Маҳкамов, Т.Турсунова, А.Мадвалиев, А.Собиров, М.Абдиев, З.Холмонова, Х.Жабборов, М.Худаяроваларнинг ишларида ўзбек тили лексикасининг турли масалалари, хусусан терминологиянинг турли соҳалари ёритилган.Тилшунослигимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳалқимиз маънавияти, миллий урф-одатларимиз билан боғлиқ бўлган лексик қатламларни ҳам тадқиқот объектига айлантиришдан иборат. Ана шундай лексик қатламлардан бири нон ва нон маҳсулотлари билан боғлиқ лексика ҳисобланади.

Луғат таркиби тил бирликлари саналган сўзлар (лексемалар) ва иборалар (фраземалар) дан иборатдир. Сўз луғавий бойлик сифатида лексик бирлик деб, ибора эса фразеологик бирлик деб аталади. Булар биргаликда луғавий бирликни ташкил этади. Ўзбек тилшунослигида сўз (лексема) ясалиши бўйича қатор тадқиқотлар, дарслик ва қўлланмаларда, илмий мақолаларда қимматли фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Лексика тилдаги барча сўзларнинг оддий йиғиндисидангина иборат эмас, балки маълум қонун-қоидаларга бўйсунадиган изчил ва мураккаб системадир. Лексиканинг тараққиёти ҳар бир халқнинг турмуш шароити, ўсиш ва юксалиши билан боғлиқ. Хусусан, ўзбек тилининг луғат таркиби, лексикаси ҳам ўзбек халқининг бутун тараққиёт йўлини ўзида акс эттиради. Жамият ривожидаги барча ўзгаришлар тилнинг тараққиётига ҳам самарали таъсир кўрсатади. Лексема лисоний структурадаги бошқа ифодаловчи бирликлардан маъновий қийматининг юқорилиги ва нисбий мустақиллиги билан ажралиб туради. Тил инсонни тавсифловчи ва фарқловчи асосий воситадир. Лисоний маданиятни миллий маданиятнинг шакли сифатида қараш маданиятшунослик ва инсоншуносликда алоҳида аҳамиятга молик. Зеро, тил ҳар қандай маданиятнинг асоси ва негизидир. Шу маънода тил кишиларнинг олам ҳақидаги умумэътироф этилган тасаввурлари мажмуи сифатида қаралади.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати» «Луғатнинг тузилиши ва ундан фойдаланиш тартиби»да шундай дейилган: «Луғат мақолаларининг тузилиши қуйидагича: бош сўздан кейин...бош сўзнинг маъноси изоҳланади. Изоҳдан кейин бош

[1] Виноградов В.В. Избранные труды: Лексикология и лексикография. – М., 1977. – С. 34; Винокур Г.О. Понятие поэтического языка// Избранные работы по русскому языку. – М., 1959. – С. 388-393; Баскаков Н.А. Тюркские языки. – М.: Издательство восточной литературы, 1960. – С. 248; Реформатский А.А. Введение языкознание. Изд. 4-е исправленое. – М.: Просвещение, 1967. – С. 130; Даниленко В.П. О месте научной терминологии в лексической системе языка. // Вопросы языкознания. 1976. – №4. – С. 64-71; Гак В.Г. Языковые преобразования: монография. – Москва: Языки русской культуры, 1998. – 768 с.

[2] Щербак А.М. Введение в сравнительное изучение тюркских языков. – Санкт-Петербург: Наука, 1994. – 191 с.; Литвинов В. П. Типологический метод в лингвистической семантике. Монография.– Ростов-на Дону, 1986.

сўзнинг маъносини тасдиқловчи ва шу маънода тўғри ишлатилишини, бошқа сўзлар билан қандай бирикишини кўрсатувчи типик мисоллар, цитаталар, фразеологик бирлик ва иборалар келтирилади».

Турли соҳалар терминологиясида бўлганидек, новвойчиликда ҳам узоқ ўтмишдаги умумхалқ тилида қўлланган луғавий бирликлардан фойдаланилган бўлиб, уларнинг аксарияти ҳозирда ҳам ишлатиб келинмоқда. Новвойчилик лексемаси яхлит бир терминологик системадан иборат бўлиб, унинг таркибини қўлланиш доирасини аниқловчи асосий мезон мавзуий гуруҳларнинг мажмуидир. новвойчилик лексемаларининг таркиб топишида семантик, яъни луғавий бирликларнинг маъносини метафорик асосда кўчириш усулидан кенг фойдаланилган. Лексемаларнинг ясалишида морфологик сўз ясалиши усулидан унумли фойдаланилади. Бунда *-чи, -соз, -лик* каби ясовчи элементлар иштирокида ясалган лексемалар кўп миқдорни ташкил этади.

Ҳозирги ўзбек тилида сўз ясалиши бобида аффиксларнинг сўз ясаш даражаси кенгайди, сўз қўшиш, композиция сўз ясашнинг унумли усулларидан бирига айланди. Бу усул орқали хилма-хил таркибли жуда кўп қўшма сўзлар ҳосил бўлади. Тилда янги ясалмаларнинг маъно ва қўлланиш доираси кенгайди, фаол, кўпроқ қўллана бошланди. Ясаш асосига аффикс қўшиш орқали янги сўз ҳосил қилиш аффиксация усули дейилади*: нон-чи, тўс-иқ, суз-ма,* ҳозирги ясама сўзлар ҳосил қилинади. Аффиксация усули билан сўз ясашда, кўпинча, ўзбек тилининг сўз ясовчи аффикслари қўлланади. Аффиксация усули билан янги сўз ҳосил қилишда ясаш асоси вазифасида келувчи сўзларнинг алоҳида қатлами вужудга келди:

Масалан: *-чи*: *новвойчи, сотувчи; -ли: седаналли, кунжутли; -часига: самарқандчасига, -дош: касбдош, сменадош; -чилик: новвойчилик, тандирчилик* каби.

Маданият – тил яхлитлигида уни ташкил этувчи унсурлар (яъни маданият ва тил) ларнинг гетерогенлигини тан олишга, айни шу ҳолат тил ва маданият муносабатини турлича талқин қилишларгача туртки бўлди. Масалан, улардан энг характерлилари сифатида қуйидагиларни санашимиз мумкин:

1) тил маданиятдан мустақил;

2) тил маданиятнинг узвийлиги;

3) тил маданиятнинг шакли.

Тил ҳодисаларидаги миллий-маданий яхлитлик ҳақида фикр юритар экан, тилшунос В.Г.Гак бу яхлитликдаги миллий ва маданий унсурларни фарқлаш лозимлигини уқтиради.[1] Унинг фикрича, тилларни қиёслаш жараёнида миллий хусусиятлар очилади. Сўзларнинг морфологик мавқеи ясама сўзлар бевосита ташкил этувчи компонентларининг мустақил қўллана олиши билан белгиланади. Мустақил қўллана олувчи, яъни лексик маънога эга бирликларга сўз асос (негиз)лари, шунингдек, феъл ўзаклари киради; феъл ўзаги, одатда, ёлғиз қўлланмаса-да, тусловчи қўшимчаларни қабул қила олиш хусусияти сабабли мазкур гуруҳга киритилади. Мустақил сўз туркумлари асос(негиз)лари сўз ясалиши асоси бўла олиш вазифасини ҳам бажаради, яъни аффикслар билан бирикиб лексемалар ҳосил қилади. Конфикслар сўз ясовчи вазифасида кела олмайди, аммо, одатда, сўз ясалишига асос бўла олади.

Тилшуносликда асосий бирликдан фарқли элементар лексик-семантик бирликлар ҳам ажратилади. Агар лексема кўп маъноли бўлса, у англатаётган ҳар бир маъно – семема алоҳида элементар лексик-семантик бирлик саналади. Лексема структурасида мавжуд бўлган элементар бирликлар бир қатор илмий ва ўқув адабиётларида лексик-семантик вариантлар деб юритилмоқда. Унга кўра, лексема асосий лексик бирлик сифатида лексик-семантик вариантлардан таркиб топади. Лексик-семантик вариант тил лексик системасининг энг кичик ташкил этувчиси, «ҳужайраси» ҳисобланади. Лексема ва лексик-семантик вариант ўзаро бутун-қисм муносабатида бўлади. Агар лексема бир маъноли бўлса, бу ҳолда лексема ва лексик-семантик вариант тенг келади. Лекин бу ўринда ҳам лексема лексик-семантик вариантга нисбатан юқори поғонадаги бирлик ҳисобланад. Тил системасида лексик сатҳ номинативлик ва ифодавийлик нуқтаи назаридан марказий ўринни эгаллайди. Тилнинг миллий-маданий хусусияти ҳам, аввало, сўзда мужассамлашади. Сўз этномаданий илдизга эга. Халқ сўзлар асосида борлиқни онгида акс эттиради, баҳолайди, таснифлайди. Мумтоз ва анъанавий талқинларда ҳам сўзнинг маданий аспектига эътибор устуворлик қилган тадқиқотлар талайгина.

Сўз лингвомаданий аспектда қаралар экан, унда қуйидаги ҳодисаларга алоҳида эътибор қаратилади ва тилнинг лингвомаданий талқинларида ўрганиш объекти сифатида алоҳида эътиборга олинади:

– фақат бир тилга хос, бошқа тилда аналоги бўлмаган бирликлар;

[1] Гак В.Г. Асимметрия лингвистического знака и некоторые общие проблемы терминологии //Семантические проблемы языков науки/Материалы науч. симпозиума. – М.: МГУ, 1971. – С. 68.

– фақат айрим лингвомаданий ҳудудга хос миф ва афсона ифодалари;
– диний тушунча ва тасаввур атовчилари;
– этнографизмлар;
– мақоллар;
– маталлар;
– фразеологизмлар;
– рамз ва мажоз ифодалари;
– образли кўчма маънолар.

Манбаларда лингвомаданий хосланган ифодаларнинг қуйидаги хусусиятлари алоҳида эътиборга олиниши лозимлиги қайд этилади:
– ҳосила маънолар;
– окказионал маънолар;
– ясама сўзлар;
– маънонинг миллий концептуал ядроси;
– ифодавийлик;
– узуал ва окказионал боғланишлар;
– парадигматик муносабатлар;
– асосициатив хусусиятлар.

Тил лексик-семантик системасининг асосий бирлиги сўз ҳисобланади. Сўз жуда мураккаб, серқирра тил бирлиги бўлиб, тилшуносликда турли нуқтаи назарлардан ўрганилади. Сўз грамматик шаклланганлик нуқтаи назаридан морфологияда, гапнинг энг кичик ташкил этувчиси сифатида синтаксисда ва яна у сўз ясалиши, морфемика, орфоэпия, орфографияда ҳам бўлимнинг мақсадига қараб тадқиқ қилинади.

Ўзбек тилшунослигида лексик маънога эга ва эга бўлмаган сўзларни фарқлаш, тил ва нутқ ҳодисаларининг номларини ажратиш мақсадида луғавий маънога эга бўлган сўзларга нисбатан лексема атамаси қўлланмоқда. Демак, тил лексик-семантик системасининг асосий бирлиги лексик маъноли сўз ёки лексемадир.

Сўзнинг маъноси умуминсоний, миллий, этник ва шахсий хусусиятга эга бўлиб, ўзида умумийлик ва хусусийлик диалектикасини акс эттиради. У (сўз маъноси) билимларнинг ҳосил бўлиш сценарийси ва мавжудлик структурасини ифодалаши ҳақидаги ғояни илгари сурган когнитив тилшунослик асосчиларидан бири Ж.Лакофф таъкидлашича, тил ифодаларининг маъновий томони ўзида мураккаб когнитив модел асосида структурлашган билимлар мажмуини системали равишда акс эттиради.[1]

Тил бирликларининг миллий моҳиятида лисоний ва нолисоний хусусиятлар муштарак ҳолда мавжуд, шу боисдан тарих ва замон, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва дунёқараш, табиий-жуғрофий хусусият ва ҳолатлар когнитив концепт қамраб оладиган жиҳатлардир. Бу ҳолат лисоний ҳодисаларда соф миллий ва миллий-маданий хусусиятларни фарқлаш, миллий ва умуминсоний жиҳатларни ажратиш билан уйғун бўлишини тақозо этади.

Резюме. Мақолада тилшунослигимиз учун энг муҳим вазифалардан бири, луғат моҳияти, халқимиз маънавияти, миллий урф-одатларимиз билан боғлиқ лексик қатлам, ўрганиш объекти, тилнинг грамматик тузилиши, морфологиядаги сўз гапнинг энг кичик ташкилий бирлиги сифатида кўриб чиқилади, ҳамда сўз шаклланиши, морфемик, қарама-қарши, имло, луғатни ўрганиш, лексик ибора сифатида луғат-семантик маънони кўриб чиқиш, луғатларнинг маъноси, шунингдек, сўзнинг лингвистик ва маданий жиҳатдан нима эканлиги, унда ўрганиш объекти сифатида сўз ва тилнинг лингвистик талқинига алоҳида эътибор берилган.

Resume. The article deals with one of the most important tasks for our linguistics, the essence of vocabulary, the spirituality of our people, the lexical layer associated with our national customs, the object of study, the grammatical formation of the language, the word in morphology as the smallest organizational unit of the sentence, word formation, morphemic, opphoepy, spelling, tells about the study of vocabulary, the discovery of lexico-semantic as a lexical phrase, the meaning of dictionaries, as well as the fact that the word is in the linguoculturological aspect, in which special attention is paid to the word and the linguistic interpretation of the language as an object of study.

Резюме. В статье рассматривается одна из важнейших задач для нашей лингвистики, сущность лексики, духовность нашего народа, лексический пласт, связанный с нашими национальными обычаями, объект изучения, грамматический строй языка, слово в морфологии как наименьшая организационная единица предложения, словообразовательный, морфемный, противопоставляющий, орфографический, рассказывает об изучении лексики, открытии лексико-семантического значения как лексического словосочетания, значении словарей, а также о том, что представляет собой слово в лингвокультурологическом аспекте, в которой особое внимание уделяется слову и лингвистической интерпретации языка как объекта изучения.[1]

[1] Лакофф Дж. Женщины, огонь и опасные вещи: Что категории языка говорят нам о мышлении. – М., 2004. – С. 527.